

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАМАЙ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташпулатов Нодир Анварович

Аннотация: Мақолада гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик ҳамда жиноят-ҳуқуқий хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари ўрганилиб, қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, аналоглар, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш мақсадини кўзламасдан, жиноят-ҳуқуқий тавсиф, криминологик хусусиятлар.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ушбу сўзни қисқартмаси сифатида матнда кейинги ўринларда *“наркотик моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомала қилиш”* деб юритилади) учун жиноий жавобгарлик масалаларини таҳлил қилганимизда аниқ бўлди-ки, ушбу жавобгарликнинг асоси сифатида ЖКнинг 276-моддасида назарда тутилган ўзига хос объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 82-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 276-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлиги юзасидан ўтказилган тергов ва суд жараёнида ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

- 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг жойи, вақти, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 3) жиноятни ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Демак, айнан ушбу жиноят-процессуал қоидадан келиб чиққан ҳолда, суриштирувчи, терговчи наркотик моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш жиноятларини фош этиш ва тергов қилишда, юзага келаётган айрим масалаларни махсус билимлардан фойдаланмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Шу боисдан, таъкидлаш жоизки, исботлаш учун талаб этиладиган бир қатор фактларни аниқлашда мутахассиснинг ўрни жуда катта аҳамиятга эгадир.

Наркотик моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг самарадорлигини оширишда махсус билимларнинг ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқиш зарур.

Маълумки, бундай билимлар процессуал ва нопроцессуал шаклларда фойдаланилиши мумкин.

Махсус билимларни процессуал шаклдақўллаш қўйидагилардан иборат:

- терговчи томонидан ўзининг махсус билимларини қўллаши;
- тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштироки;
- экспертизани ўтказиш.

Наркотик моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлган суриштирувчи ёки терговчи суд экспертизасини тайинлаш бўйича экспертга аниқ саволларни бериш имкониятига эга бўлди, шунингдек ўтказилган тадқиқот натижаларини баҳолаши, сўроқ қилиш саволларининг режасини тузиши, жиноятчининг ҳаракатларини тўғри квалификация қилишга эга бўлади[1].

Амалиётда тўпланган натижаларга кўра, терговчибиринчи навбатда тинтув, гумонланувчи ёки айбланувчини сўроқ қилиш, тергов экспериментининг ўтказиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда албатта мутахассисни жалб этиши зарур. Чунончи, хуфёна ер тўлаларда синтетик наркотик моддаларни ишлаб чиқиш жойида тинтув ўтказишда мутахассис терговчига қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишда катта ёрдамни кўрсатади. Мутахассис наркотикларни ишлаб чиқиаришда бошланғич реагентларни, прекурсорларни ва натижадаги махсулотларни бир-биридан сифатли ажратиш олишга, жойида экспресс-тестларни ўтказишда, наркотик моддаларнинг қолдиқлари ҳам сақланаётган лаборатория буюмларини олишда ёрдам беради. Бундан ташқари, мутахассисни тинтув вақтида иштироки хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳам ас қотади, чунки тинтув вақтида олинаётган наркотик моддалар, уларнинг прекурсорлари ва реагентларида агрессив суюқлик, заҳарли ва куйдирувчи моддалар бўлиши доимо кузатилади[2].

Наркотик моддаларни тайёрлаш, саылаш, олиш, ташиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича гумонланувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда мутахассис терговчи саволарни кетма-кетликда тузишда, унинг натижасида олинган жавобларни баённомага тўғри ифдаланишида ўзининг махсус билимларидан фойдаланган ҳолда терговчига маслаҳат ва ёрдам кўрсатиши мумкин бўлади.

Тергов экспериментини ўтказишда мутахассис терговчига ҳодиса жойидаги ҳолатни аниқлашда қуйидаги ҳаракатларда ёрдам кўрсатиши мумкин: эксперимент ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган моддий ва техник воситаларни танлашда, зарурий шароитларни яратишда, тажрибалар ўтказишнинг сони аниқлашда, шунингдек фотосуратга олиш, аудио ва видеоёзув орқали тергов экспериментининг жараёни ва натижаларини фиксация қилишда[3].

Наркотик воситаларининг суд экспертиза предмети криминалистик адабиётларда суд экспертизаси тайинланиши билан боғлиқ бўлган жиноят ишидаги объектлар ва бошқа материаллар бўйича тадқиқотлар, шунингдек наркотик моддалар тўғрисидаги махсус билимлар асосида аниқланадиган жиноят иши ҳолатлари ҳақидаги фактик маълумотлар сифатида аниқланади. Бундан ташқари, бундай турдаги экспертизанинг объекти бўлиб, наркотик, кучли таъсир этувчи ёки психотроп аралашувидаги моддалар, наркотик моддалар излари қолган предметлар ва наркотик воситаларининг микрочастицалари ҳисобланади[4].

Бугунги кунда, молекуляр таркибдаги синтетик ҳолатдаги наркотик воситалар, кучли таъсир этувчи ва психотроп моддаларни тадқиқ этишда молекуляр спектроскопия ва хроматография методларидан фойдаланиш талаб этилмоқда.

Молекуляр спектроскопия моддаларнинг сон ва сифат жиҳатидан молекуляр таркибини тадқиқ этишда ёрдам беради. Ушбу метод ёрдамида электрмагнит тўлқинларни акс эттирилиш, нурланиш ва қайта йиғилиш спектрларини ўрганилади.

Хроматография ҳаракатланадиган ва ҳаракатсизланадиган иккита фазалар ўртасидаги компонентларнинг тақсимланишига асосланади.

Наркобизнес муаммоси тобора халқаро аҳамиятга эга бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда нафақат наркотик моддаларнинг микрочастицаларини аниқлаш бўйича суд экспертизалар ўтказилмоқда, балки оқиб келаётган каналлардаги наркотик моддаларни қиёсий таҳлил қилишда ҳам суд-экспертизанинг молекуляр спектроскопия ва хроматография методлари жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Наркотик моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар иш юритувида жиноят ишининг

кўзғатиш ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг хусусиятларига тўхталмасдан илож йўқ.

Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноят ишларини кўзғатиш учун бевосита ички ишлар органлари ходимлари томонидан наркотик моддаларни ўтказишни кўзламасдан тайёрлаш, сақлаш, олиш, жўнатиш ва бошқа ҳаракатлар ҳақидаги фактларни аниқланиши сабаб бўлади.

Қолган барча ҳолатларда келиб тушган маълумотлар дастлабки текширувдан синчковлик билан ўтказилиши керак. Жиноят ишини кўзғатиш босқичида текширувни амалга ошираётган ходим жиноий тажовуз предметини тегишли ҳужжатларни процессуал тартибда расмийлаштирган ҳолда олиши зарур бўлади[5].

Жиноят ишинини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда суриштирувчи ёки терговчи биринчи галда қуйидаги ҳолатларни:

- 1) олинган моддаларни наркотик воситалар ва ўзида наркотик моддаларни ташкил қилувчи дорилар рўйхатига киритилганлиги ёки тегишлилигини;
- 2) олинган наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг сифати ва сонини;
- 3) ЖКнинг 276-моддасида назарда тутилган қонунга ҳилоф равишдаги ҳаракатларнинг содир этилганлигини;
- 4) қаерда, қачон, қандай усулларда ва ким томонидан қонунга ҳилоф равишдаги ҳаракатлар содир этилганлигини, қандай ниқоблаш услублари қўлланилганлигини;
- 5) жиноят гуруҳ таркибида содир этилганлиги ва унинг таркибини;
- 6) наркотикларнинг тарқалишига кўмаклашган йўллар(каналлар)ни (ким, қандай усулларда ва қаннча нарҳда уларни ўтказиб юрганлигини);
- 7) наркотик воситалар ва психотроп моддаларни тайёрлашда хизмат қилган хомашёларни қаердан олинганлигини ким уларни етказиб турганлигини;
- 8) наркотикларнинг олинган манбааларини;
- 9) жиноятни содир этиш мақсади ва мотивларини;
- 10) наркотик ва психотроп моддаларни реализация қилиш натижасида олинган фойда ва даромад миқдорларини;
- 11) жавобгарликнинг даражаси ва хусусиятига таъсир этувчи ҳамда жиноятчи шахсини тавсифловчи ҳолатларни;
- 12) бундай турдаги жиноятнинг содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш зарур.

Наркотик воситалар ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш ҳолатларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан қўйиладиган саволлар рўйхати янада кенгайтирилиши мумкин бўлади.

Наркотик воситалар ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги жиноят иши бўйича тергов қилишнинг дастлабки босқичида қуйидаги иккита вазиятлар хусусиятлидир: 1) ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари томонидан гумонланувчи жиноят содир этиш вақтида ёки содир этиб бўлган ватқнинг ўзида етарли далиллар билан қўлга олинган вазият; 2) наркотик моддаларни қонунга ҳилоф равишда муоамала қилиш жинояти бўйича гумон қилинган ҳолда қўлга олинган, аммо бу вақтда унинг ёнидан наркотик моддалар топилмаган вазият.

Биринчи вазият бўйича қуйидаги типик тергов ҳаракатлар, ташкилий ва тезкор-қидирув чораларни ўтказиш талаб этилади: гумонланувчини ушлаш ва шахсий тинтувни амалга ошириш, ушлаш ўтказилган жой (бино, хизмат хонаси, тайёрлов лабораторияси, наркотик моддалар таркибида бўлган ўсиликлар етиштирилган майдон)ни кўздан кечириш, наркотик моддаларни, ҳужжатларни, предметларни, наркоманнинг кийим кечагини кўздан кечириш, наркотик моддаларга бўлган тобелиги ва мастлигини аниқлаш предметида ушланган шахсни тиббий гувоҳлантириш, суд-тиббийёт, кимёвий, физик ва бошқа экспертизаларни тайинлаш; наркоманнинг яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш, гумонланувчини сўроқ қилиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, наркотиклар яширилган жойни, алоқадор шахсларни, наркотик моддаларни қайси шахслар томонидан ёки қайси каналар орқали олинаётганлигини, барча жиноят иштирокчиларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш ва бошқ.

Иккинчи вазият бўйича қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади:

наркотик моддаларга бўлган тобелиги ва мастлигини аниқлаш предметида ушланган шахсни тиббий гувоҳлантириш, наркоманнинг яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш, гумонланувчини сўроқ қилиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, наркотиклар яширилган жойни, алоқадор шахсларни, наркотик моддаларни қайси шахслар томонидан ёки қайси каналар орқали олинаётганлигини, барча жиноят иштирокчиларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш ва бошқ.

Терговга қадар иш юритув босқичида тадқиқ қилинаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳати бу наркотик моддалар ва психотроп моддаларни ўтказишни қўзламасдан тайёрлаш, сақлаш, олиш, жўнатиш ва бошқа ҳаракатлар билан боғлиқ жиноятларни содир этаётган шахсларни ушлаш вақтида қўлланилаётган ўзига хос тактик хусусиятларни аниқлашдир.

Гумонланувчи шахсни ушлаш мустақил тергов ҳаракатлардан бири ҳисобланади ва ушбу ҳаракатлар суриштирувчи ва дастлабки тергов органлари хоимлари томонидан амалга оширилиши лозим. Бироқ, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда муомаласи билан

шуғулланётган шахснинг ушлаш тадбири асосан суриштирув органининг раҳабрияти томонидан тезкор вакиллар, профилактика инспекторлари, уларнинг ёрдамчилари, Миллий гвардия жамоат хавфсизлиги ходимларининг ахборотларига таянган ҳолда ташкиллаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг талабларига биноан шахсни ва нарса-буюмларни текшириш, далилий ашё сифатида қўлланилиши мумкин бўлган буюм ва ҳужжатларни олиб қўйиш. Агарда олиб қўйилган наркотик воситалар ва психотроп моддалар, ушланган шахсни фош этадиган, ўзида жиноят аломатлари бор бўлган предметлар жиноят таркиби мавжудлигидан далолат берган вақтда вақтни ўтказмасдан жиноят ишини қўзғатиш лозим бўлади. Шундан сўнг, шахсни процессуал тартибда ушланганлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади, ҳамда тегишли тезкор-қидирув чора-тадбирлар ва тергов ҳаркатлари амалга оширилади.

Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни истеъмол қилувчилар ва шулар билан шуғулланувчи шахсларни ушлаш тўғри ташкил этилган ҳолатларда ушбу моддаларни сотган шахслар, ташувчиларни, тайёрлаш ва сақланиш жойларини, шунингдек жиноятни содир этишда қўлланилган воситаларни аниқлаш етарли имкониятларни беради. Масалан, ўзида наркотик моддаларни олиб юрган шахсни ушлаган вақтда, ушбу моддани кимдан олганлигини, ким бундай ишлар билан шуғулланаётганлигини, қайси манзилда яшаётганлигини, ушбу манзилда яна қанча миқдорда наркотик воситалар ва психотроп моддалар борлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Ушлаш амалга оширилган вақтнинг ўзидаёқ шахсий текширувни амалга ошириб, унда бор бўлган барча наркотикларни, ҳужжатларни, жиноят изларини ўзида намоён этадиган предметларни ва ушланган шахсни жиноят иши бўйича алоқадор бўлган бошқа буюмаларни ҳам олиб қўйиш талаб этилади. Ушлаш ва текширувни амалга оширгандан кейин ушлаш амалга оширилган жойни кўздан кечириш талаб этилади, чунки жиноятчи ўзида бўлган наркотиклар ёки уни жиноятда гумонлаш имконини берадиган бошқа нарсларни ерга ташлаб юбориши мумкин.

Ушлаш икки тартибда амалга оширилиши мумкин. Агарда жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлса, унда маъмурий тартибда ёхуд агарда жиноят иши қўзғатилган бўлса, жиноят-процессуал тартибда амалга оширилиши мумкин.

Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларда ушлашни ўтказиш чоғида қуйидаги типик хатоларга йўл қўйилишига эътибор қаратиш зарур:

– тезкор-қидирув ходимлари томонидан наркотик моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомала қилаётган шахсни ушлаш ҳаракатини терговчининг

иштирокисиз, шунингдек, жиноятчини фош этиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақида олдиндан у билан келишмаган ҳолда амалга ошириш;

– ушлаш вақтида фақат жиноятчининг ўзини қўлга олишга қаратилган мақсад билан ҳаракатланиш, бундай ҳолат эса процессуал ва тезкор-қидирув тадбирлар орқали исботлаш талаб этадиган ҳолатларни кўздан четда қолдиришга, наркотиклар келиб тушуши мумкин бўлган каналар ва уларнинг манбааларини, шунингдек ушбу жиноятга алоқадор бўлган барча иштирокчиларни аниқлашга имкон бермасдан қолади;

– ушлаш вақтида ёки ушлашдан кейин ўтказилган процессуал ҳаракатлар натижаларида олинган маълумотларни сифатсиз расмийлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шалдяева, Е.Г. Основы судебной медицины: учебное пособие/ Е.Г. Шалдяева. – Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2010. – 191 с.
2. Добронравовова М.Т. Правила изъятия наркотикосодержащих веществ при проведения обыска . Учебное пособие . – Москва. 2020. – С. 74.
3. Смирнов, А.В. Следственные действия в российском уголовном процессе: Учебное пособие для студентов./ А.В. Смирнов, К.Б. Калиновский. – Санкт-Петербург: СПбГИЭУ, 2014. – 73 с.
4. Климович, Л. П., Брыскова, Т. В., Власова М. А. Возможности экономической и экономико-стоимостной экспертиз, назначаемых при расследовании уголовных дел о преступлениях, связанных с незаконным оборотом наркотиков/Л. П. Климович, Т. В. Брыскова, М. А. Власова//Вестник Нижегородского университета им Н.И. Лобачевского, 2015. – С. 125.
5. Чирков, С. В. Уголовная политика Российской Федерации в сфере противодействия незаконному обороту наркотиков/С.В. Чирков//Вектор науки Тольяттинского государственного университета, 2014. – С. 73.